



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2010 йил 5 январь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 2 (11.563)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодиёт

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАР АСОСИДА

Албатта, шу боис ҳам корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорини топмоқда. Энг асосийси эса илғор технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган мазкур маҳсулотлар халқаро стандарт талабларига жавоб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мушаккиллик йилларида юртимизда, жумладан пойтахтимизда тўқимачилик саноати изчил ривожланмоқда. Маҳаллий хом ашё — пахтадан қайта ишлаш асосида тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати билан ажралиб туради.

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «TEKNILE IMPEX» Ўзбекистон-Англия қўшма корхонаси цехлари энг сўнгги русумдаги технологик линия ва даст-гумлар билан жиҳозланган бўлиб, улар Германия ва Туркия фирмаларида тайёрланган. Уларнинг қувватидан самарали фойдаланган ҳолда пахта қайта ишлаб калава-ип ҳамда тайёр трикотаж матолари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Йилдан йилга



маҳсулот турлари ҳам ортиб борапти. Яқинда тайёрланган янги турдаги мато ана шулар жумласидан бўлиб, у буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Корхонада тайёрланаётган маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда албатта, корхона цехларига хориждан келтириб ўрнатилган замонавий ускуналар ҳамда уларнинг қувватидан умумий фойдаланишга интилаётган малакали мутахассислар-

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишда корхоналарнинг техник ва технологик қайта жиҳозланиши, чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар сафи кенгайиб, уларда хорижий линиялар қувватидан самарали фойдаланган ҳолда рақобатбардор маҳсулотлар тайёрланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.



нинг ўрни катта. Жумладан, Туркиядан келтириб ўрнатилган «KROMSAN» маркази бўйича ускуна билан калава-ип ҳамда матоларга турли ранг берилди. Бунда, шубҳасиз буюртмачи талаб ва тақлифи инобатга олинади. Буюртмачиларни ўз изланишлари билан жалб этиб, буюртмаларни тез ва соз адо этаётган тадбиркорлар кейинги йилларда ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 бараварига ошириши

режалашган. Шунингдек, янги маҳсулот турлари ҳам тайёрланишига эътибор қаратилмоқдаки, бу бозорда муҳим ўрин топишга хизмат қилади.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: маҳсулот сифатига қаратилган эътибор буюртмачилар талабини қондиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

XXI аср садоси
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Янги — 2010 йил бошланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, компаниялар бошлиқлари номидан самимий табриклар келиши давом этмоқда.

• Навоий шаҳрида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

• Пешку туманидаги «Қалаймириш-кор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда Баркамол авлод йили ўзига хос совға билан қутиб олинди. Бу ерда «Варашо» спорт мажмуаси қурилиб болалар ихтиёрига топширилди. Эндиликда Маҳалла, Қалъа, Толисобун, Қудрашеҳ қишлоқлари ёшлари янги мажмуада спортнинг баскетбол, волейбол, эркин кураш, стол тенниси каби ўнга яқин тури билан шуғулланади.

• Наманган туманининг Бешкапа қишлоғи аҳолиси янги йил кунларида қурувчилардан ажойиб совға олди. Олахамак, Овул, Урганжи маҳаллалари аҳолиси, коллеж, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари жамоасига хизмат кўрсатувчи врачлик пункти биноси фойдаланишга топширилди. Болаларни даволаш, физиотерапия, тиш даволаш, аёллар тиббий маслаҳатхонаси, дорихона, лаборатория, эмлаш бўлимлари, кундузги стационарга эга шифо маскани замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган.

• Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 35 та қишлоқ мактаблари янги йил арафасида ажойиб совға — компьютер техникаларини олишди. Эндиликда энг чекка ҳудудларда жойлашган умумтаълим муассасалари ҳам Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди.

• Қаршидаги 1-вилоят шифохонасига 10 гектар ер ажратилиб муассаса биноси таъмирланди. «Саломатлик-2» лойиҳаси маблаглари ҳисобидан Германиядан келтирилган «Гемодиализ» тиббий ускунаси ёрдамида шифохона лабораториясида организмдаги қонни тозалаш, сунъий буйрак ўрнатиш ва бошқа энг зарур муолажаларни ўтказиш мумкин.

ЖАҲОНДА

• 2010 йилнинг 4 январидан бошлаб АҚШ бўйлаб фаолият юритувчи барча авиакомпаниялар учун белгиланган қатъий тартиб кучга кирди. Унга кўра, авиайўловчиларни самолётга ўтказишдан олдинги текширув тартиб-қоидалари янада такомиллаштирилди. Янги тартибга кўра, террористик кучларга алоқадор деб ҳисобланган Куба, Эрон, Судан, Сурия, Яман ҳамда Покистон фуқаролари ва уларга тегишли бўлган юклар самолётга жойлаштиришдан олдин бирма-бир назоратдан ўтказилади.

• Белоруссия ва Россия ўртасида нефть транзити бўйича юзага келган келишмовчиликлар «қора олтин» нархини ошишига олиб келди. Жумладан, кеча АҚШ хом ашё биржасида ўтказилган савдолар чоғида бир баррел нефтининг нархи 81 долларга етди.

• Яманда Санадаги фарб мамлакатлари элчихоналарига нисбатан теракт тайёрлаётган «Ал-Қоида» гуруҳининг икки нафар жангариси қўлга олинди.

• Террорчилик ҳаракати хаффи юзага келганлиги сабабли Франция ҳам АҚШ ва Буюк Британия каби ўзининг Ямандаги элчихонасини ёпди.

• Кеча Бирлашган Араб Амирликларида жаҳондаги энг банд бинонинг очилиши тантаналари бўлиб ўтди. Таъкидлаш керакки, «Бурже Дубай» деб номланган, бандлиги 818 метр бўлган ушбу бинонинг қурилишига миллиард доллардан ортик маблағ сарфланган бўлиб, уни бунёд этиш учун олти йил вақт кетди. Мазкур бинодан отеллар, савдо марказлари ва бошқа нуқталар ўрин олган бўлиб, унда бир вақтнинг ўзига 12 минг киши яшаши ва фаолият кўрсатиши мумкин.

• Хитой пойтахти Пекинда кейинги тўрт кун давомида тинимсиз ёққан қалин қор катта муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, шаҳарда аэропорт ва темирйўллар ҳаракати тўхтади, автомобиль йўллари издан чиқди. Мактабларда ўқишлар тўхтатилди. Синоптиклар қалин қор ёғиши яна бир кун давом этишини таъкидламоқдалар.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

4 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М. Абдусаломов олиб борди.



Мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11- ва 48-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов яқунлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов округларида ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференциясида сайланган депутатлар рўйхатга олинди.

Бир депутатлик мандати учун 99 та сайлов округида 4 нафардан номзод, 36 та сайлов округида 3 нафардан номзод кураш олиб борди.

Мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатида 17 миллион 215 минг 700 нафар сайловчининг фамилияси киритилиб, овоз беришда 15 миллион 108 мингдан ортик ёки сайловчиларнинг 87,8 фоизи қатнашди.

Овоз беришда сайловчиларнинг Қорақалпоғистон Республикасида 90,9 фоизи, Андижон вилоятида — 88,9 фоизи, Бухоро вилоятида — 87,1 фоизи, Жиззах вилоятида — 89,8 фоизи, Навоий вилоятида — 88,3 фоизи, Наманган вилоятида — 87,4 фоизи, Самарқанд вилоятида — 89,3 фоизи, Сирдарё вилоятида — 91,4 фоизи, Сурхондарё вилоятида — 89,1 фоизи, Тошкент вилоятида — 88,1 фоизи, Фарғона вилоятида — 85,8 фоизи, Хоразм вилоятида — 88,3 фоизи, Қашқадарё вилоятида — 88,1 фоизи, Тошкент шаҳрида — 81,9 фоизи иштирок этди.

Овоз беришда барча 135 та сайлов округида рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 33 фоизидан ортиги иштирок этди ва сайлов қонунчили-

гига мувофиқ уларда сайлов ўтган, деб ҳисобланади. Овоз бериш натижаларига кўра, 96 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг 33 нафари — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан, 25 нафари — Ўзбекистон «Миллий тиклаш» демократик партиясидан, 22 нафари — Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан ва 16 нафари — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан. Сайланган 96 нафар депутатнинг 19 нафари ёки 19,8 фоизи хотин-қизлардир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, сайлов кунини Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 39 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур овозини тўплай олмади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси 2009 йил 30 декабрь кунини мазкур округларда такрорий овоз беришни 2010 йил 10 январда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори мазбуотда эълон қилинади.

(ЎЗА)

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг БУГҮН бўлиб ўтган йиғилишида 2009 йил 27 декабрда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ўтказилган сайлов яқунлари кўриб чиқилди.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Маълумки, олтишта мандатдан иборат Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлик корпусига номзодларни кўрсатиш учун пойтахт туманлари чегараси ҳамда сайловчилар сонидан келиб чиққан ҳолда 60 та сайлов округи ташкил этилди. Ҳар бир округ бўйича тўртта сиёсий партия ўз номзодларини тавсия этди. Чунончи, битта депутатлик мандати учун иккита сайлов округи бўйича иккитадан номзод, 23 та округ бўйича — учтадан номзод, 35 та округ бўйича — тўрттадан номзод кураш олиб борди.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга ўз сайловолди тадбирларини ўтказишда, хусусан, сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш, телевидение, радио ва матбуот сарҳадларида чиқишлар уюштириш, реклама роликлари, кўргазмалар ва баннерлар тайёрлаш борасида тенг ҳуқуқ берилди. Сайлов участкаларида оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар, шунингдек сиёсий партиялар учун ҳам барча зарур шартлар яратилди. Жумладан, тўртта сиёсий партиянинг 4,5 мингдан зиёд ишончли ва ваколатли вакиллари ҳамда кузатувчилари рўйхатга олинди.

Сайлов жараёнининг ошқоралик ва очиклик тарзида ўтказилиши маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг кенг иштироки билан ҳам таърифланади. Сайловни 36 та давлат ҳамда тўртта халқаро ташкилотнинг 270 дан кўп вакили кузатиб борди. Сайлов кампанияси ёритилишида 630 дан зиёд маҳаллий ва хорижий журналист иштирок этди. Жойлардан олинган маълумотларга кўра, пойтахтдаги округ сайлов комиссияларининг фаолияти билан танишиш, сайлов кунини эса овоз бериш жараёнини кузатиш учун сайлов участкаларига Россия, Озарбойжон, Япония, Хитой, Хиндистон, Малайзия, АҚШ, Саудия Арабистони давлатлари кузатувчилари, халқаро ташкилотлар аъзолари таъриф буюрди.

Тошкент шаҳрида ташкил этилган 8447 та сайлов участкаси бўйича 1 573 700 та сайловчи рўйхатга олинди. Бевосита участка сайлов комиссиялари ҳамда уларни мувофиқлаштириб борувчи округ сайлов комиссиялари ахборотига кўра, сайлов миллий қонунчилик талабларига ҳамда халқаро меъёрларга мувофиқ очик, ошқора, шаффоф — демократик томайилларга тўлиқ риоя қилинган ҳолда бўлиб ўтди. Сайловчилар юқори фуқаролик ва сиёсий фаоллигини намоён этди. Сайлов-

да 1 288 860 нафар сайловчи иштирок этди, бу эса умумий рўйхатга олинган сайловчиларнинг 81,9 фоизини ташкил этади.

Округ сайлов комиссияларининг участка сайлов комиссиялари баённомаларидан келиб чиққан ҳолда умумлаштирган баённомаларига мувофиқ 60 та сайлов округининг ҳар бирида овоз беришда ўрта ҳисобда сайловчиларнинг 80 фоизи қатнашди. Бу дегани округ кесимида рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 33 фоиздан кўпи иштирок этди. Демак, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасига мувофиқ барча сайлов округларида сайлов ўтказилган деб ҳисобланади. Овоз бериш яқунларида кўра, 59 та сайлов округида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайланди. Йиғилишда сайланган депутатларни рўйхатга олиш ва бу ҳақда матбуотда эълон қилиш юзасидан қарор қабул қилинди.

33-Тараққиёт сайлов округи бўйича рўйхатга олинган учта депутатликка номзоднинг бирортаси сайловчиларнинг 50 фоиздан ортик овозини тўплай олмагани боис округ сайлов комиссияси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига биноан энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш қарор қабул қилди. Айни пайтда ушбу округ кесимида сайлов қонунчилигига асосан тегишли ташкилий ишлар амалга оширилмоқда, хусусан, бу ҳақда округ доирасида истиқомат қилувчи сайловчилар хабардор этилган. Ўз навбатида, депутатликка номзодларга ўз ташвиқот ишларини юритиш учун қонунчиликда кўзда тутилган тартибга биноан тегишли ҳуқуқ берилган.

Йиғилиш якунида ошқоралик ва очиклик руҳида ўтказилган сайловлар мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида демократик жараёнлар изчил давом этаётганидан далolat эканлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2010 йил 4 январдаги
«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини
рўйхатга олиш тўғрисида»ги қароридан

1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига
Тошкент шаҳридан сайланган депутатлар рўйхати**

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Тутилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партияга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими (машғулоти)нинг тури	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	Адилходжаева Сурайё Махкамовна	1964	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улутбек тумани	128-Саноат сайлов округи
2	Азамат Зне Хамид Угли	1963	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фаи, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри, Хамза тумани	126-Темирйўлчилар сайлов округи
3	Аширов Одижон Налжимович	1966	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Шайхонтоҳур тумани «Техно Саноат» кўп тармоқли фирмаси директори	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	133-Кўча сайлов округи
4	Бабаев Джахонгир Исмаилбекович	1976	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Миллий тикланиш» ДП аъзоси	Тошкент давлат юридик институти «Фукаролик ҳуқуқи» кафедраси доценти	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	127-Корақамиш сайлов округи
5	Ганиев Баходир Мухтарович	1977	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси маркази директори ўринбосари	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	135-Шайхонтоҳур сайлов округи
6	Жумаев Нодир Хосниатович	1976	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	130-Бодомзор сайлов округи
7	Каримов Рихматилла Хамидиллаевич	1966	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси	Тошкент шаҳри «Кармус-макс» масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	132-Тўқмачи сайлов округи
8	Ташмухамедова Дилорам Гафурджановна	1962	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	124-Оқтепа сайлов округи

2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига
Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутат**

Фамилияси, исми, отасининг исми	Тутилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулоти)нинг тури	Иш ва яшаш жойи	Маъмурий-ҳудудий бирлик
Файзиёва Дилорам Хуснидиновна	1962	Ўзбекистон Фанлар академияси Сув муаммолари институтининг «Гидроэкология ва сув таъминоти хавфсизлиги» лабораторияси мудири	Тошкент шаҳри	Тошкент шаҳри


**Қарор ва ижро
ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ
КЕНГАЙДИ**

Тиббиёт ходимлари мавқени кўтариш ва уларни моддий рағбатлантириш соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим жиҳатларидан бирига айланган. Тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида кўрилатган бу каби тадбирлар «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тасарруфидаги соғлиқни сақлаш тармоғида ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Уюшманинг тиббий санитария қисмига «Шаҳар 3-клиник шифохонаси» мақоми берилиши ҳам нур устига аъло нур бўлади. Эндиликда Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси клиник шифохонаси янги фаолият кўрсатаётган бу сийхатқонинг фаолият доираси кенгайиб кетди. «Тошкент шаҳрида тиббиёт муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги шаҳар ҳокими қарори ижросини таъминлаш мақсадида шифохона қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Поликлиника бўлими ҳайдовчилар соғлигини назорат қилиб, уларни тиббий кўриқдан ўтказди. Талайгина бемор стационар шароитида даволанди. Шунини ҳам айтиш жоизки, уюшма ходимлари, жумладан шифохона атрофидаги маҳаллалардан бир неча кишига стационар шароитида тиббий ёрдам кўрсатилди. Бугунги кунда транспортчилар шифохонаси шаҳримиздаги намунали клиникалардан бирига айланди.

Аҳмад ОЛИМОВ

Ички бозоримизда импорт ўрнини ҳажвчи маҳсулотлар ҳажми ортиб бормоқда. Бундай сифатли ва рақобатбардош товарлар маҳаллий тадбиркорларимизнинг изланишлари, ташқи ва ички бозорни чуқур ўрганишлари, харидор талабини тўғри англаган ҳолда иш юритишлари самараси ўлароқ яратилаётгани қувонарли ҳол, албатта.



Саноат

МАРКЕТИНГ ИШЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Шаҳримиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бўлган «Компрессор» АЖ негизда ташкил этилган «Компрессор пневмотехника» масъулияти чекланган жамиятида ҳам харидор талабига мос маҳсулот — турли хилдаги компрессорлар тайёрлаш йўлига қўйилган. Изланишлар асосида иш юритилаётгани яхши самара бериб, маҳсулот турлари ортмоқда, ишлаб чиқариш салмоғи ҳам йилдан йилга юқори бўлмоқда. Бунга эса мазкур жамият цехларининг замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланаётгани, малакали кадрларнинг касб-маҳоратларини ўшларга эринмай ўргатаётгани омил бўлмоқда. Шуниси эътиборликки, айни пайтда корхонада тайёрланаётган турли хилдаги компрессор ва бошқа маҳсулотлар четдан келтирилган шундай товарлар билан

бемалол рақобатлаша олади, импорт ўрнини босади. Корхонанинг малакали мутахассисларининг буюртмачиларга кейинги техник хизматларни ҳам кўрсатиши имкониятига эгаллиги истемолчилар учун жуда қулай ва кўп томонлама афзал ҳисобланади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган компрессорлар энергия тежамкорлигини таъминлашда ҳам катта ҳисса қўшади. Улар бурғулаш, йўл, геодезия ишларида, газ саноатида, бунёдкорликда ҳам самарали қўлланилмоқдаки, бу каби маҳсулотлар мамлакатимиз халқ ҳўжалиги тармоқлари ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Мавжуд имкониятларни ишга солиб, унумли меҳнат қилаётган 30 нафар ишчи-хизматчилар ўтган йилда 450 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришди. Уларни мулкчиликнинг турли шакли-

даги ҳўжалик субъектларига буюртма асосида etkazиб беришди. Жумладан, жамият компрессорлари Россия ҳамда Қозоғистон давлатларига «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан экспорт қилинмоқда. Келгусида экспорт ҳажмини ошириш, хорижий харидорлар сафини кенгайтириши режаларга корхона тадбиркорлари маркетинг ишларини ривожлантириш, ташқи бозорни доимий ўрганиш, янги технология линиялар келтиришга ҳаракат қилишмоқда. Шубҳасиз, янги компрессор турларини яратишда аввало, мижозлар талаб ва таклифлари ўрганилади. Айнан янги — винтли компрессор ишлаб чиқариш учун ҳамкорлар (Германия)дан қарақли бутловчи қисмлар келтирилади. Хозирда эса корхона тадбиркорлари бундай бутловчи қисмларни

жамият цехларида тайёрлашни йўлга қўйиш тадоригини кўришмоқда. «Интилганга — толе ёр» деб халқимиз бежиз айтмайди. Юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳиссасини қўшишга астойдил интилаётган жамоа аҳли импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари турларини янада кўпайтириш, ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топиш саъй-ҳаракатларини жадал олиб бормоқда, харидор талабини тўғри англаган ҳолда иш юритмоқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТДА: буюртмачиларга etkazиб берилаётган маҳсулот сифатини таъминлашда корхона малакали мутахассисларининг ҳиссаси беҳиёс.
Ҳақимжон Солихов олган сурат

14 январь — Ватан ҳимоячилари кун

ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ШАЙ

Жойларда — таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб турли учрашув ва давра суҳбатлари, кўрик-танлов ва спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

— Ёшларнинг билими ва жисмоний тайёргарлигини яна бир бор синовдан ўтказадиган бундай тадбирлар уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, интеллектуал салоҳияти ва спортга қизиқишини янада оширишга хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон муҳофазасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Иzzат Яманов. — Ёшлар Куролли Қўчларимиз салоҳияти ва имкониятлари, соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, харбийларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик, яратилган замонавий шарт-шароит ҳақида маълумот олмақда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фукарорларнинг Ўзбекистон Рес-

публикаси Куролли Қўчларида мўддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Шу боис чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этаётган тадбирларда мазкур фармоннинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича тушунича берилмоқда.

Ватан ҳимоячилари кунги байрамга тайёргарлик доирасида Тошкент бирлашган техника мактабида ўтган кўргазмали машғулотларда тингловчилар эгаллаган билим ва кўникмалари асосида саф тайёргарлиги, техника воситаларини бoshқариш, спортнинг қўллаб турлари бўйича беллашди.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

«АТИРГУЛ» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси журналист хотин-қизларнинг касбий маҳоратини ошириш, интеллектуал савиясини юксалтириш ва мамлакат ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган анъанавий «Атиргул» кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга 2009 йилнинг 1 мартдан 2010 йилнинг 15 февралигача босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган, телевидение ва радио орқали эфирга узатилган ҳамда интернет нашрларида берилган материаллар 2010 йилнинг 20 февралигача қабул қилинади.

Танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида топширилади.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нухаси, манзили ва боғланиш телефонлари илова қилиниши керак.

Материаллар «Атиргул» танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 35- ва 37-хоналар.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Тел.: 244-64-61, 244-37-87, факс: 244-69-65

Иқтисодиёт

ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА

Бозорни ўрганиш асосида тайёрланган зарур ва сифатли маҳсулотнинг харидори кўп бўлади. Бу эса ишлаб чиқариш корхонасининг бозорда муҳим ўрин топишини таъминлайди.

Шу боис ҳам тадбиркорларимиз яратилган ҳар бир имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда маҳсулот турлари ва сифатини оширишмоқда, импорт ўрнини босувчи товарларни тайёрлашга эътибор қаратишмоқда. Пойтахтимиздаги «Номозов.Р.» хусусий корхонасидаги кичик цехда харидор дид ва талаблари асосидаги маҳсулотлар тикилмоқдаки, бунда чеварларга юксак унумли замонавий тикув дастгоҳ ва машиналари кўл келмоқда. Цехда тайёрланаётган кўрпа, одеял, ёстиқ ва бошқа рўзгор ашёлари ўзига хос дизайни, талабга жавоб бериши билан харидорини топмоқда.

— Аввалги хусусий тадбиркор сифатида 2-3 хил маҳсулот тайёрлаб, фаолият бошлаган бўлсак, — дейди фирма раҳбари Рўзимурод Номозов, — ҳозирги вақтда уларнинг тури 20 дан ошди. Барча маҳсулотларимизни тайёрлашда ўзимизнинг маҳаллий хом ашёдан фойдаланамиз. Товарларнинг дизайнини яратишда ички ҳамда ташқи бозорни ўрганиш ҳамда иш юритамиз.

Корхона тадбиркорлари харидорларга қулайлик яратиш бўйича буюртмалар ҳўра шаҳримиздаги 20 га яқин савдо шохобчаларига etkazиб берилади. Цехда яқка тартибдаги буюртмалар ҳам бажарилади.

Тадбиркорлар ўз маҳсулотларини четга сотишни ҳам кўзда тутишган. Чунки корхонада ишлаб чиқарилаётган юқори дизайнли товарларга Россия, Қозоғистон сингари қўшни давлатлардан буюртмалар тушмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Алоқа

УСТОЗЛАРГА МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРИШДИ

Тошкент Ахборот технологиялари университетининг автоматик электр алоқалари факультети ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Бу ерда таҳсил олган талабаларнинг аксарияти бугунги кунда ўз касбининг муҳир усталари янги кўза кўринган мутахассисларга айланган.

Бундан 25 йил аввал факультетни тугатган собиқ талабалар орасида «Ўзэлектрхизмат» уюшмаси раиси А.Избосаров, Самарқанд вилоятининг Пастдарғон туман телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси О.Эргашевалар ҳам бор.

Факультетда уюштирилган учрашув кечасида собиқ талабалар сўзга чиқиб, таълим берган устозларга миннатдорчилик билдирдилар.

ОММАЛАШГАН ЖУРНАЛ

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги муассислигида чоп этилаётган матбуот органларидан бири «Алоқаниформ» журнали ҳисобланади.

Ҳар ойда бир мартаба ўзбек ва рус тилларида чоп этиб келинаётган бу нашр саҳифаларида умумсоҳавий меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, фаолиятга берилган лицензиялар ҳамда телекоммуникация техник воситаларининг мувофиқлик сертификатлари рўйхати ҳам ёритиб борилади.

Янги йилдан бошлаб журналда тармоқ корхоналарининг фаолиятларига доир таҳлилий мақолалар ҳам бериб борилади.

ЯНГИ ДАСТУРЛАР

Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти мутахассислари томонидан яратилган навбатдаги дастурлар аналог электроника йўналишига бағишланди.

«Сигналларни модуляциялаш ва демодуляциялаш жараёнларини тадқиқ қилиш бўйича лаборатория ишлари мажмуаси» деб номланган дастур эса электрон ҳисоблаш машиналарини бошқариш жараёнида қўлланилади.

Ақбар АЛИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

2009 йил 26 ДЕКАБРДАН  2010 йил 10 ЯНВАРГАЧА

ЦИРКДА ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАГИ

«ЖОДУ ҚИЛИНГАН САЙЁРА СИРИ»

«Жоду қилинган сайёра сири» Янги йил эртагида эртақдаги цирк артистлари, гимнастлар, акробатлар, мажарабозлар, алп қоматли кўзбўлгагичлар, қўшлар ва ҳайвонлар ёвуз кўчларни енгилга ёрдам беришади.

Зеро, дўстлик ва садоқат ҳаётимиздаги энг қимматли қадриятлардир.

Томошалар: 11.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да бошланади.
Кассанинг телефонлари: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.
Сайт: sirk.uz.



Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган сайлов якунлари ҳақидаги округ сайлов комиссияларининг баённомаларига асосан “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 41, 45 ва 46-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар рўйхатга олинсин:



№	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партиёга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва турар жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи	№	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партиёга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва турар жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1	Абдуқадиров Шухрат Абиджанович	1969	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	Ҳамза тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	37-Курувчилар	31	Махкамов Хусниддин Сағдиевич	1957	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, партиясиз	Чилонзор тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	42-Мевазор
2	Абдуллаев Музаффар Исмағилович	1972	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“Навбахор” масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент вилояти	43-Хайробод	32	Мелкумов Александр Николаевич	1940	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	«Совпластитал» акциядорлик жамияти бош директори	Тошкент шаҳри	41-Қўтарма
3	Абдурахимова Фарида Юлдашевна	1950	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси	Тошкент шаҳри	58-Бошлиқ	33	Муминов Хайрулла	1947	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон “Адолат” СДП	“Чигатой Октепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Тошкент шаҳри	24-Мирза Ғолиб
4	Азимова Музаффархон Аҳадовна	1952	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон “Адолат” СДП	“Файз” холдинг компанияси бошқаруви раиси	Тошкент шаҳри	29-Қилчок	34	Мухамеджанов Шамурат Шоходиевич	1948	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“Тошшаҳартрансизма” уюшмаси раиси	Тошкент шаҳри	1-Ойбек
5	Акилов Хабибулла Атауллаевич	1957	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти проректори	Тошкент шаҳри	14-Интизор	35	Мухамедов Гафурджан Исраилович	1949	ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзМТДП	Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори	Тошкент шаҳри	31-Учувчилар
6	Акрамов Акмаль Махмудович	1955	ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзМТДП	“Тошкент оқшом” ва “Вечерний Ташкент” газеталари бош муҳаррири	Тошкент шаҳри	13-Гулшан	36	Назаров Турабай Турсунович	1955	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	ЎзЛиДеП Собир Рахимов тумани Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри	22-Чукурсой
7	Акрамова Мухлисaxon Мансуровна	1960	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“Файз-Барака ММЛ” масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси	Тошкент шаҳри	32-Машинасозлар	37	Насимов Нурулла Сағдуллаевич	1950	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси	Тошкент шаҳри	45-Қоратош
8	Акрамходжаева Зумрад Саиджановна	1955	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон “Адолат” СДП	Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси 1-ниҳох уйи директори	Тошкент шаҳри	59-Бўрижар	38	Раҳматиллаева Мукаддасxon Мамаюнусовна	1957	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	44-оилавий поликлиника бош шифокори	Тошкент шаҳри	47-Гулбод
9	Анарметов Фарход Бегматович	1962	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	“Тошкент йўл қурилиш ва таъмирлаш трести” МЧЖ бош директори	Тошкент шаҳри	23-Мойқўрғон	39	Раҳмонов Бахтиёр Султонович	1959	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	Миробод тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	20-Толарик
10	Бабакулов Сатиболди Бабаназарович	1960	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	Тошкент Давлат юридик институти ўқув-услубий бўлим бошлиғи	Тошкент шаҳри	30-Чоштепа	40	Саидвалиев Абдусамд Набиевич	1961	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“Тошкентгазтаъминот” унитар корхонаси Тошкент шаҳар туман филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри	60-Рақат
11	Бабаханова Холида Юлдашевна	1956	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“Ўзстандарт” агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри	25-Себзор	41	Султанов Баҳодир Джалолович	1971	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон “Адолат” СДП	“Турантек” масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент шаҳри	5-Фозилтепа
12	Баситханова Эльмира Иркиновна	1958	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	Шаҳар тез tibбий ёрдам клиник шифохонаси бош шифокори	Тошкент шаҳри	7-Ширин	42	Султанов Баҳодир Тухтамурадович	1954	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғи директори	Тошкент шаҳри	39-Қозиробод
13	Борисова Елена Михайловна	1955	ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзМТДП	Республика шифокорлар tibбий ёрдам илмий маркази директори уринбосари	Тошкент шаҳри	35-Тузель	43	Талибжанов Аскар Имамджанович	1954	ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзМТДП	Болалар спортини ривожлантириш жағғармаси Тошкент шаҳар бўлими директори	Тошкент шаҳри	57-Отчопар
14	Джумабаев Аҳкам Сахиевич	1962	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, партиясиз	Шайхонтохур тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	46-Каттабоғ	44	Темирова Наталья Сабировна	1959	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	Тошкент юридик коллежи директори	Тошкент шаҳри	4-Шодлик
15	Зикиров Кудратилла Рихсиевич	1968	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“12-автобус саройи” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси	Тошкент шаҳри	27-Дўстлик	45	Турабжанов Садриддин Махаматдинович	1965	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон “Адолат” СДП	Тошкент Кимё-технология институти директори	Тошкент шаҳри	49-Жарарик
16	Икромов Мурат Акрамович	1953	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	Тошкент Автомобиль йўллари институти ректори	Тошкент шаҳри	2-Абдулла Қолирий	46	Тухтаев Абдукаҳор Хасанович	1956	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, партиясиз	Тошкент шаҳар ҳокими	Тошкент шаҳри	44-Навой
17	Иргашев Шавкатбек Турдиевич	1964	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, партиясиз	Мирзо Улугбек тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	15-Феруза	47	Фазиллов Равшан Абдулхайевич	1961	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“Феруз Фемид” адвокатлик бюроси директори	Тошкент шаҳри	18-Темирийўл
18	Ирисметов Шавкат Хасанович	1946	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“Шарк ҳақиқати” маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Тошкент шаҳри	54-Уч Қаҳрамон	48	Фарманов Қобил Закирович	1962	ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши, партиясиз	Юнусобод тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	50-Минор
19	Искандаров Алишер Искандарович	1950	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти проректори	Тошкент шаҳри	56-Бободехкон	49	Ҳакимов Мирҳаёт Мирхамидович	1975	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“Ўзқабель” АЖ бош директори	Тошкент шаҳри	9-Салор
20	Исламова Дилфуза Дилшодовна	1979	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	228-мактаб директори	Тошкент шаҳри	6-Чўпонота	50	Ходиев Баҳодир Юнусович	1960	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон “Адолат” СДП	Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори	Тошкент шаҳри	38-Олмазор
21	Исмаилов Улугбек Мирябдирович	1964	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“Дойче-кабель АГ-Тошкент” АЖ кузатув кенгаши раиси	Тошкент шаҳри	16-Хумоюн	51	Хусанова Фарида Нигмановна	1956	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон “Адолат” СДП	560-болалар реабилитация маркази директори	Тошкент шаҳри	52-Уста Ширин
22	Қабиллов Юсуф Хасиевич	1952	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	“Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” ДАЖ кадрлар бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри	34-Авнасозлар	52	Шайимқулов Учқун Кудратович	1961	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри	11-Зиёлар
23	Қасимов Абдугани Хабилович	1957	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“Е” ПҚОД хусусий корхонаси директори	Тошкент шаҳри	26-Беруний	53	Шакирова Кимяхан	1951	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	52-оилавий поликлиника бош шифокори	Тошкент шаҳри	53-Туркистон
24	Қасимов Абдумавлон Насирович	1973	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон “Адолат” СДП	“SARAY-PLASTIC” кўшма корхонаси бош директори	Тошкент шаҳри	48-Тинчлик	54	Шарипов Рауфхан Асламович	1957	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“Нерудник” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси	Тошкент шаҳри	8-Сувчи
25	Қасимов Дониёр Аборович	1965	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон “Адолат” СДП	Республика онкология илмий маркази клиникаси бош шифокори	Тошкент шаҳри	28-Йўлдош	55	Шин Агрепина Васильевна	1958	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи директори	Тошкент шаҳри	10-Буз
26	Қасимов Махсуд Муратович	1956	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	“Тошкент нон” уюшмаси раиси	Тошкент шаҳри	21-Қорасарой	56	Шофайзиев Шомурод Мухсинович	1966	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“Ўзтрансмашхускурилиш” уюшмаси раиси	Тошкент шаҳри	36-Янгибод
27	Қасимов Рустам Саидович	1951	ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзМТДП	“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти бош директори	Тошкент шаҳри	51-Хиёбонтёпа	57	Шоумаров Дилшод Шовкатович	1964	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП	“Dipax Metall Servis” масъулияти чекланган жамияти таъсисчилар кенгаши раиси	Тошкент шаҳри	3-Бешқайрағоч
28	Қим Сергей Сергеевич	1959	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	“ВПК PRODUCTION” кўшма корхонаси директори	Тошкент шаҳри	17-Мингўрик	58	Эшметова Нигора Асомидиновна	1961	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	Ўзбекистон ХДП Юнусобод тумани Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри	55-Мустақиллик
29	Қўлмухамедов Джасур Рафикович	1952	ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП	Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи директори	Тошкент шаҳри	40-Қатортол	59	Юлдашев Пулат Ибрагимович	1952	ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзМТДП	Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи директори	Тошкент шаҳри	12-Ялангоч
30	Матибаев Тасполат Балтабаевич	1961	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон “Адолат” СДП	“Ўзбекистон темир йўллари” ДАК “Сихаттох” санаторийси бош шифокори	Тошкент шаҳри	19-Файзиобод							

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси
Ж.ШОҲАКИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 5 январь

Январь							Февраль							Март							Апрель							Май							Июнь								
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я		
			1	2	3		1	2	3	4	5	6	7	1	2	3	4	5	6	7				1	2	3	4						1	2				1	2	3	4	5	6
4	5	6	7	8	9	10	8	9	10	11	12	13	14	8	9	10	11	12	13	14	5	6	7	8	9	10	11	3	4	5	6	7	8	9	7	8	9	10	11	12	13		
11	12	13	14	15	16	17	15	16	17	18	19	20	21	15	16	17	18	19	20	21	12	13	14	15	16	17	18	10	11	12	13	14	15	16	14	15	16	17	18	19	20		
18	19	20	21	22	23	24	22	23	24	25	26	27	28	22	23	24	25	26	27	28	19	20	21	22	23	24	25	17	18	19	20	21	22	23	21	22	23	24	25	26	27		
25	26	27	28	29	30	31								29	30	31				26	27	28	29	30			24	25	26	27	28	29	30	28	29	30							

2010 йил — Баркамол авлод йили



Июль							Август							Сентябрь							Октябрь							Ноябрь							Декабрь													
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я							
			1	2	3	4						1				1	2	3	4	5				1	2	3						1	2	3	4	5	6	7						1	2	3	4	5
5	6	7	8	9	10	11	2	3	4	5	6	7	8	6	7	8	9	10	11	12	4	5	6	7	8	9	10	8	9	10	11	12	13	14	6	7	8	9	10	11	12							
12	13	14	15	16	17	18	9	10	11	12	13	14	15	13	14	15	16	17	18	19	11	12	13	14	15	16	17	15	16	17	18	19	20	21	13	14	15	16	17	18	19							
19	20	21	22	23	24	25	16	17	18	19	20	21	22	20	21	22	23	24	25	26	18	19	20	21	22	23	24	22	23	24	25	26	27	28	20	21	22	23	24	25	26							
26	27	28	29	30	31	23	24	25	26	27	28	29	27	28	29	30				25	26	27	28	29	30	31	29	30						27	28	29	30	31										

ТОШКЕНТ ШАХРИНИНГ АСОСИЙ ХИЗМАТЛАРИ

- Ёнгин хавфсизлиги хизмати — 01
- Милиция — 02
- Тез ёрдам — 03
- "Тошгаз" авария хизмати — 04
- Кутқарув хизмати — 050
- Темир йўл бошқармасининг маълумотномаси — 005
- "Тошшаҳарйўловчитранс" такси буюртмаси — 062
- Дорихоналар бўйича марказий маълумотнома — 069
- Шаҳарлараро сўзлашувлар учун буюртмалар — 07
- Ташкилотларнинг телефонлари ва об-ҳаво маълумотномаси — 09
- Шаҳарлараро телефон тармоғи маълумотномаси — 007
- Хонадонларнинг маълумотномаси — 009
- Халқаро сўзлашувлар буюртмаси — 061
- Шаҳар телефон тармоғи иши бўйича кечякундуз маълумотномаси — 064
- "Қора лола" маросимлар хизмати — 235-81-75, 234-34-01
- "Тошкент" автовокзали — 279-39-15

ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ХИЗМАТИ

- Тўғри ўтказгичларни таъмирлаш хизмати — 068
- Марказий алоқа тармоғи — 083
- 235-04-25
- 235-09-10
- Собир Раҳимов алоқа тармоғи — 084
- 229-04-25
- 229-09-10
- Миробод алоқа тармоғи — 255-04-25
- 255-09-10

Қўнғироқ қилинг, сўранг, билиб олинг

- Мирзо Улугбек алоқа тармоғи — 086, 262-04-25, 262-09-10
- Чилонзор алоқа тармоғи — 277-04-25
- 277-09-10
- Янгиобод алоқа тармоғи — 297-04-25
- 297-09-10

МАРКАЗИЙ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Ичимлик суви тармоқлари — 252-60-08, 252-55-78
- Шаҳар оқава сув тармоқлари — 235-40-11, 235-43-79
- Шаҳар электр тармоқлари — 233-77-53
- Иссиқлик тармоқлари — 255-09-26

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ТУМАН ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
- Учтепа — 274-44-34
- Бектемир — 295-14-43
- Миробод — 254-15-61
- Мирзо Улугбек — 267-46-24
- Собир Раҳимов — 248-35-48
- Сергели — 258-84-33
- Ҳамза — 296-39-61
- Чилонзор — 278-06-07
- Шайхонтоҳур — 242-39-26

- Юнусобод — 212-25-52
- Яккасарой — 255-49-59

ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

- Учтепа — 274-24-30
- Бектемир — 295-02-40
- Миробод — 233-29-86
- Мирзо Улугбек — 268-94-04
- Собир Раҳимов — 227-11-03
- Сергели — 257-91-11
- Ҳамза — 283-33-32
- Чилонзор — 276-90-90
- Шайхонтоҳур — 241-26-00
- Юнусобод — 234-62-31
- Яккасарой — 255-74-49

ТУМАН ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМЛАРИ

- Учтепа — 272-80-79
- Бектемир — 295-02-39
- Миробод — 293-18-95
- Мирзо Улугбек — 267-33-50
- Собир Раҳимов — 228-02-33
- Сергели — 258-02-42
- Ҳамза — 296-06-30
- Чилонзор — 278-58-40
- Шайхонтоҳур — 288-31-90
- Юнусобод — 235-00-02
- Яккасарой — 255-94-96
- Шаҳар ИИБнинг ишонч телефони — 256-85-85

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ТУМАН ХИЗМАТЛАРИ

- "03" бўйича навбатчилар — 236-73-32
- Собир Раҳимов 2-болалар ва катталар — 248-46-77
- Шайхонтоҳур 1-катталар — 243-26-68, 243-07-34
- Учтепа 4-катталар — 275-46-99
- Мирзо Улугбек-Ҳамза 5-катталар — 266-44-27
- Юнусобод-Мирзо Улугбек 6-болалар ва катталар — 212-45-11

- Яккасарой 10-катталар 255-85-54
- Сергели 8-болалар ва катталар — 258-36-85, 258-70-76
- Чилонзор 9-катталар — 216-73-88, 216-73-89
- Миробод-Ҳамза 7-катталар — 290-70-03 (01)
- Ҳамза-Миробод 3-болалар — 297-77-79
- Бектемир 16-катталар — 295-10-03

ИЖТИМОЙ-ТАЪМИНОТ БЎЛИМЛАРИ

- Шаҳар бош бошқармаси — 236-00-25
- Учтепа — 272-36-72
- Бектемир — 295-06-23
- Миробод — 256-54-96
- Мирзо Улугбек — 269-14-60
- Сергели — 258-39-35
- Собир Раҳимов — 248-46-71
- Ҳамза — 297-58-17
- Чилонзор — 277-87-10
- Шайхонтоҳур — 249-06-34
- Юнусобод — 235-52-04
- Яккасарой — 250-85-31

МЕҲМОНХОНАЛАР

- "Интерконтиненталь — Ташкент" — 120-70-00
- "Марказий" — 238-30-00
- "Ўзбекистон" — 113-11-11



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4207 нусхада босилди.
Қўғоғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

12345